



**Республика илмий-амалий
анжуман тўплами**

**Материалы Республиканской
научно-практической
конференции**

**COVID-19 ВА УНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯ
МУАММОЛАРИ**

**COVID-19 И ВОПРОСЫ ЕГО
РЕАБИЛИТАЦИИ**

**14-15 октябр Бухоро,
Ўзбекистон**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

«COVID-19 ВА УНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ»
мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман тўплами

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

« COVID-19 И ВОПРОСЫ ЕГО РЕАБИЛИТАЦИИ»
Материалы Республиканской научно-практической конференции

Тахририят хайъати:

Редакционная коллегия:

Тешаев Ш.Ж., Давлатов С.С., Ахмедова Н.Ш., Болтаев К.Ж., Исмадова М.Н.,
Абдуллаева У.К., Махмудова Л.И., Наимова Ш.А.

**Бухоро давлат тиббиёт
институти Кенгаши
томонидан 2022 йил 28
сентябрда чоп этишга
тавсия этилган, (2-сон
баённома)**

Ушбу илмий ишлар тўпламида тиббиёт олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар бажараётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрин олган. Тезисларнинг мазмуни ва улардаги хатоликлар учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

В сборник научных трудов вошли результаты научно-исследовательских работ, проведенных профессорско-преподавательским составом медицинских ВУЗов. Тезисы не рецензируются. За содержание и достоверность указанной информации ответственность несут авторы.

15 октябрь 2022 йил. Бухоро. Ўзбекистон

COVID -19 ЎТКАЗГАН ВА ЎТКАЗМАГАН ОШҚОЗОН ИЧАК ТИЗИМИ ШИКОЯТЛАРИ МАВЖУД БЕМОРЛАР ИЧАКЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАШХИСЛАШНИ АҲАМИЯТИ

Гадаев А.Г.¹, Исмоилова М.И.²

Тошкент Тиббиёт Академияси¹, Тошкент, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти², Фарғона.

Айрим тадқиқодчилар томонидан Covid-19 да касалликнинг биринчи тўлқинида кўпроқ респиратор тизим, иккинчи тўлқинида эса ошқозон-ичак тизими зарарланиш белгилари хос деган фикрлар олдинга сурилган. Ушбу нуқтаи назардан Covid-19 ўтказиб “нисбий соғлом” кузатувдагиларда ошқозон – ичак тизимидаги яллиғланиш жараёнларини баҳолаш профилактика тадбирларини ўтказиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади: Covid-19 ўтказган иммуноглобулин М аниқланмаган ва инфекция ўтказмаган ошқозон – ичак тизимида шикоятлари мавжуд беморлар нажасида микрофлора ҳолатини ўрганиш.

Материал ва текшириш усуллари: Илмий тадқиқот ишида ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари аниқланган 100 нафар беморлар кузатилдилар. Беморлар дастаб 2 гуруҳга ажратилдилар. Уларнинг биринчи гуруҳини Covid - 19 ўтказган ҳамда иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” аммо ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 60 та, ўртача ёши 55.06 ± 2.1 бўлган 27 нафар эркаклар ва 33 нафар аёллар ташкил қилдилар. Иккинчи, яъни назорат гуруҳини Covid -19 ўтказмаган лекин ошқозон-ичак тизими касалликлари белгилари мавжуд бўлган 40 та, ўртача ёши 63.4 ± 1.5 бўлган 15 нафар эркаклар ва 25 нафар аёллар ташкил қилдилар.

Коронавирус инфекциясининг ичакнинг меъёрий микрофлорасига таъсирини баҳолаш мақсадида тадқиқотга жалб қилинган беморларда нажас умумий таҳлили ва экмасы шрганилди.

Текшириш натижалари: Covid – 19 билан касалланган ва «нисбий соғлом» беморларда ичак микрофлорасида яққол ўзгаришлар кузатилди. Асосий гуруҳ беморларда ичакда бифидобактериялар миқдори $4,5 \pm 0,98 \times 10^6$ та ва назорат гуруҳида $8,2 \pm 1,6 \times 10^7$ тани ташкил этиб, фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$). Кузатувдаги беморларнинг иккала гуруҳида лактобактериялар миқдори мос равишда $8,6 \pm 1,8 \times 10^6$ ва $1,6 \pm 0,3 \times 10^7$ бўлиб, кўрсаткичлар гуруҳлар ўртасида солиштирилганда фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$).

Лактоза манфий Escherichia coli сони Covid – 19 ўтказган ва «нисбий соғлом» гуруҳ беморларда уни ўтказмаган беморларга нисбатан юқори бўлди (мос равишда $7,7 \pm 2,0 \times 10^6$ ҳамда $4,7 \pm 2,6 \times 10^6$). Кўрсаткичлар иккала гуруҳ ўртасида ўзаро солиштирилганда юқори ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,01$). Лактоза мусбат Escherichia coli сони асосий ва назорат гуруҳида мос равишда $8,8 \pm 1,7 \times 10^5$ ҳамда $10,9 \pm 5,4 \times 10^6$ ни ташкил қилиб, фарқлар ишончли бўлмади

($P > 0,05$). Энтерококлар сони Covid – 19 ўтказган ва «нисбий соғлом» ҳамда уни ўтказмаган гуруҳ беморларда мос равишда $6,5 \pm 1,7 \times 10^6$ ва $3,1 \pm 2,2 \times 10^5$ ни ташкил этди. Иккала гуруҳ кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда фарқлар юқори ишончли бўлди ($P < 0,01$).

Тадқиқотга жалб этилган беморларда стафилококлар ва замбуруғлар ҳам ўрганилди. Асосий гуруҳ беморларда сапрофит стафилококлар аниқланган бўлиб улар $1,1 \pm 0,2 \times 10^5$ ни ва назорат яъни Covid -19 ўтказмаган гуруҳда эса $3,1 \pm 2,1 \times 10^4$ ни ташкил этди ($P > 0,05$). Бундан ташқари нажасда Covid -19 ўтказган ва «нисбий соғлом» гуруҳ беморларда замбуруғлар сонининг назорат гуруҳига нисбатан (мос равишда $3,7 \pm 1,0 \times 10^4$ ҳамда $2,8 \pm 1,0 \times 10^4$) юқори бўлди ($P > 0,05$). Патоген микроорганизмлар сонининг кўпайиши ошқозон – ичак тизимининг зарарланиши билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса: Covid -19 ўтказган ҳамда иммуноглобулин М аниқланмаган “нисбий соғлом” беморларда ичак дизбактериози, бифидо ва лактобактерияларнинг етишмовчилиги, лактоза манфий таёқчалар ҳамда энтерококларнинг сонининг ошиши кўрсатди ва ичаклардаги яллиғланиш жараёнларини узоқ муддат сақланишини тасдиқлайди.

HELICOBACTER PYLORI БИЛАН АССОЦИЯЛАНГАН ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ КАМҚОНЛИГИНИ ДАВОЛАШГА ЯНГИЧА ЎНДОШУВЛАР

Гадаев А.Г.¹, Махманов Л.С.², Туракулов Р.И¹

Тошкент тиббиёт академияси¹, Самарқанд давлат тиббиёт университети²

Тадқиқотнинг мақсади: Helicobacter Pylori билан ассоцияланган темир танқислиги камқонлиги мавжуд беморларни даволаш самарадорлиги ўрганиш.

Материал ва текшириш усуллари: Олдимизга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб темир танқислиги камқонлиги аниқланган ва ошқозон ичак тизимида шикоятлар билдирган ҳамда қонида H.Pylori антитаначалари юқори бўлган 90 нафар беморлар танланди. Улар аввал анти Helicobacter pylori га қарши 14 кун давомида муолажалар (амоксиклав + кларитромицин + эземепрозол) олиб, ундан кейин антианемик препаратлар (касаллик оғирлик даражасидан келиб чиқиб инекцияда ва ундан сўнг таблеткада 3 ой давомида) қабул қилдилар.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, Helicobacter pylorining инсон организмида мавжудлиги интерлейкин – 6 ва α – ўсма некрози омили каби яллиғланиш цитокинларининг фаоллашувига, улар ўз навбатида икки томонлама таъсир кўрсатиб бевосита темир сўрилишини камайишига ва гепсидин ҳосил бўлишини меъеридан кўпайтириб темирнинг организмга тушишини блоканишига оқибатда темир танқислиги камқонлиги ривожланишига сабаб бўлади. Қайд этилган ўзгаришлар касалликнинг

Covid -19 ўтказган ва ўтказмаган ошқозон ичак тизими шикоятлари мавжуд беморлар ичакларидаги ўзгаришларни таъхислашни аҳамияти <i>Гадаев А.Г.¹, Исмоилова М.И.².</i>	20
Helicobacter pylori билан ассоцияланган темир танқислиги камқонлигини даволашга янгича ёндошувлар <i>Гадаев А.Г.¹, Махманов Л.С.², Туракулов Р.И.¹</i>	21
Введение коморбидных больных с остеоартритом в период пандемии коронавирусной инфекции <i>Даминов.Б.Т., Газиева Х.Ш.</i>	22
Гемодинамические особенности тромбоза сосудистого доступа у больных находящихся на программном гемодиализе <i>Даминов., Б.М.Мирзаева</i>	23
COVID-19 И БЕРЕМЕННОСТЬ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИИ ПОЧЕК <i>Дустова Н.К., Аслонова М.Ж.</i>	25
Сурункали гепатит “с” этиологияли жигар циррозида беморларнинг комплекс муолажалардан олдинги ва кейинги шикоятлари ҳамда айрим клиник белгиларини ўрганиш <i>Жўраева М.А., Абдулазизхожиев Б.Р.</i>	26
Некоторые аспекты медикаментозной коррекции легочной гипертензии у больных хронической сердечной недостаточностью, перенесших ковид-19 <i>Ибрагимов У.Д., Пирматова Н.В., Гадаев А.Г.</i>	28
Covid-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ўпка гипертензиясини даволашга замонавий ёндошув <i>Ибрагимов У.Д., Гадаев А.Г.</i>	29
Клинический случай возникновения covid 19 инфекционного эндокардита, у больной с системной красной волчанкой <i>Ибрагимова Ф.Х, Мухаммадиева С.М., Абдуллаева Н.Х.</i>	30
Қандли диабет 2-тур билан касалланган беморларда covid-19 дан кейинги даврда репродуктив тизими ва қалқонсимон без холатини баҳолаш <i>Иргашева М.Д.</i>	31
Принципы лечения микротромбоваскулитов после перенесённой коронавирусной инфекции <i>Исламова З.С, Мусаева Н.Б.</i>	33
Частота встречаемости гематологических синдромов у больных переносившие covid-19 <i>Исматова М.Н., Рузиев З.М., Болтаев К.Ж.</i>	34
Covid-19 билан касалланган оналардан туғилган чақалоқлар аҳволининг таҳлили <i>Кароматова Фазолат Абдираххорова, Саъдуллоева Ирода Курбонова</i>	36